

 «ТАСДИҚЛАЙМАН»  
" O`ZBEKEKSPERTIZA" АЖ рахбари  
\_\_\_\_\_» 07 \_\_\_\_\_ 2022г.

**"O`ZBEKEKSPERTIZA" АЖ нинг 2022 йил 31 декабрь ҳолатига Ўзбекистон  
Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига асосан тайёрланган  
ҳисоботларини (БҲМС) Аудитнинг халқаро стандарт (Андоза)ларига асосан  
аудиторлик текширувидан ўтказиш лойиҳасининг**

**ИШТИРОКЧИЛАРГА ТАЛАБЛАР ВА КЎРСАТМАЛАР**

**Тошкент 2022**

## 1. Танлов иштирокчиларига қўйиладиган талаблар

Танловда хизмат ушбу техник шартлар қўйилган вазифаларни бажариш учун етарли малака ва тажрибага эга ходимлари бор ташкилотлар, қуйидаги қўшимча талабларни бажарган ҳолатда иштирок этишлари мумкин:

1	<i>Тижорат таклифларини техник томонлама баҳолаш меъзонлари ва усуллари</i>	Баҳолаш мезонн	Асословчи ҳужжатлар
		Сўнги икки йил ичида муваффақиятли яқунланган шунга ўхшаш лойиҳалар мавжудлиги	Нусхаларини бириктиринг
		Сўнги икки йил давомида Пудратчининг асосий мутахассислари томонидан шунга ўхшаш хизматларни кўрсатиш тажрибасига эга бўлиши керак.	Камида иккита тугалланган шартноманинг нусхаларини (нарх таклифларисиз) миждозларнинг гувоҳликлари тасдиқларини илова қилинг
		Халқаро САР, СІРА ёки АССА сертификатига эга бўлган камида 4 нафар мутахассисга эга бўлиш	Лойиҳани амалга оширишда иштирок этган ҳар бир ходимнинг иштирок этиш тажрибаси тўғрисидаги маълумотлар билан резюме билан жамоа аъзоларининг рўйхатини, Пудратчи жамоасининг ҳар бир аъзоси учун аниқ лойиҳаларини кўрсатган ҳолда илова қилинг.
2		<p>Иштирокчи хизматлар кўрсатишнинг бутун муддати давомида ушбу лойиҳага асосий мутахассисларни жалб қилишни кафолатлаши керак. Агар ушбу мутахассислардан бирортасини ушбу лойиҳага жалб қилиш давом эттиришнинг иложи бўлмаса, иштирокчи иш тажрибаси ва малакаси бўйича камида унга тенглаштирилган мутахассис билан алмаштиришни кафолатлайди.</p> <p>Бундан ташқари Пудрати.</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>— Пудратчи Ўзбекистон Республикасида руйхатдан ўтган бўлиши ва Ўзбекистон Республикаси қонуи ҳужжатларига мувофиқ тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи барча зарур рухсатномаларга, шу жумладан аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлиши керак.</li> <li>— Пудратчи Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ шартномалар ва бошқа ҳужалик шартномаларини тузиш ва бажариш ҳуқуқига эга бўлиши керак.</li> <li>— Пудратчида барча зарур техник, молиявий, моддий, ходимлар ва бошқа ресурслар, шунингдек қорида курсатилган хизматларни курсатиш учун барча зарур рухсатномаларга (лицензиялар) эга бўлиши керак.</li> <li>— Пудратчи халқаро САР, СІРА ёки АССА сертификатига эга бўлган камида 4 нафар мутахассисга эга бўлиши.</li> <li>— Пудратчи шунингдек 4 нафар ички аудитор, ташқи аудитор ва/ёки солиқ маслаҳатчиси малака сертификатига эга мутахассисларга эга бўлиш керак.</li> <li>— Пудратчи аудиторлик хизматлари бозорида йуқори обрўга эга</li> </ul>	

		<p>бўлиши ва аудиторлик хизматини йукори сифатини таъминлаб бериши керак. Аудиторлик хизмати сифати аввал бажарилган шартмолари асосида ҳам аниқланиши мумкин.</p> <p>— Аудит хизматини кўрсатиш бўйича таклиф қилинаётган хизмат нархининг ҳисоб-китоб руйхатини тақдим қилиш.</p> <p>— Қуйидаги ҳолатлардан камида биттаси аниқланган даъвогарлар танловда қатнашишига йўл қўйилмайди:</p> <p>a. Охирги 3 йил давомида ўз буюртмачиларига сифатсиз хизмат кўрсатган. Бундай ҳолат бажарувчи айби билан яқунланмаган шартнома, мижоз даъво хати ва хизмат сифатсизлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар билан белгиланади;</p> <p>b. Ушбу техник шартларда талаб қилинган тўлиқ ҳужжатлар тўламини тақдим қилмаган.</p> <p>c. Танловда қатнашиш учун нотўғри ёки тасдиқланмаган маълумотлар тақдим қилган.</p> <p>d. Таклифнинг молиявий маълумотлари келтирилган қисмини очик ва/ёки муҳрланмаган шаклда тақдим қилган.</p> <p>Активларига чеклов қўйилган, тугатилиш жараёнида ёки банкрот деб эълон қилинган.</p>
3	<p><i>Товар (иш, хизмат)ларни эксплуатация қилиш (фойдаланиш) умумий шартлари ва бошқа қўшимча махсус талаблари</i></p>	<p>1. Тендер таклифига киритилган ҳужжатлардаги барча пул суммалари Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида кўрсатилиши керак.</p> <p>2. Тўлов валютаси: Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси - сўм.</p> <p>3. Иштирокчилар томонидан таклиф қилинган нархлар Шартноманинг бутун амал қилиш муддати давомида доимий бўлиб қолиши ва ҳеч қандай шароитда ўзгармаслиги керак. Нархларга тузатиш киритишни назарда тутувчи танловда иштирок этиш тўғрисидаги ариза танлов шартларига жавоб бермаган деб ҳисобланади ва рад этилади.</p>
4	<p><i>Кафолат муддати, лицензия ва бошқа қўшимча талаблар</i></p>	<p>Пудрачти куйидагиларга кафолат беради:</p> <p>— бажарилган ишлар жами ва методологияси, зарур мутахасислар сони (исми билан), уларнинг малакаси резюме шаклида ва иш вақти (хизматлар нархини шаклантириш учун асос).</p> <p>— консалтинг/аудиторлик хизматлари соҳасида тегишли тажрибага эга булган малакали мутахасисларни жалб этиш</p> <p>— хизматлар тугагандан сунг, Буюртмачига хизматлар кўрсатиш объектига тегишли ҳужжатларнинг тўлиқ тўпламини, шу жумладан хизматларни кўрсатиш жараёнида фойдаланилган барча материалларни, шу жумладан, лекин улар билан чегараланмаган ҳолда: тахлилий маълумотлар, статистик маълумотлар, маркетинг ва бошқаларни топшириш. хизматлар курсатиш бўйича уз мюкбуриятларини бажариш билан боглик; холда юзага келадиган тадқиқотлар, интеллектуал</p>
5	<p><i>Бошқа қўшимча талаблар</i></p>	<p><b>ТАҚДИМ/ТАКЛИФ ШАКЛИГА ТАЛАБЛАР</b></p> <p>5.1. Таклифда куйидагилар бўлиши керак:</p> <p>— кўрсатилаётган хизматларнинг тўлиқ номи ва уларнинг кўлами 1</p>

	<p>чи иловага асосан</p> <p>5.2. Таклифга куйидаги хужжатлар илова қилиниши керак:  — иштирокчи ҳақида умумий маълумотларни такдим этиш учун тўлдирилган шакл;  — аудиторлик ташкилоти тугрисида қисқача маълумот (ташкил топган ва аудиторлик хизматларини кўрсатиш учун лицензия олган йил, охири хисобот йилидаги асосий мижозлар, компанияда аудиторлик фаолиятини олиб бориш учун тавсия этилган аудиторлар, манзили, телефон рақамлари, е-маил, веб-сайт, алоқа қилувчи шахс) (<i>сўралган маълумотлар илова қилиниши шарт</i>);  — иштирокчи қўшилган қиймат солиғи тўловчи сифатда руйхатга олинганлиги тўғрисида ваколатли солиқ органининг белгиланган намунадаги маълумотномасининг нусхаси (агар иштирокчи ҚҚС тўловчи бўлса);  — аудиторлик текширувини ўтказиш учун лицензия нусхаси;  — аудиторлик текширувида қатнашадиган аудитор(лар)нинг малака сертификатлари нусхалари;  - хужалик бошқаруви органининг тавсияномаси нусхаси (агар мавжуд бўлса ва 12 ойдан ортиқ бўлмаган ҳолда олинган бўлса);  — камида 500 миллион сум миқдордаги сугурта полисининг нусхаси;</p>
--	--

## **2. Хизмат сифати кафолати бўйича талаблар**

Пудратчи лойиҳани амалга ошириш йўналиши ва лойиҳа якунида кутилаётган натижадан келиб чиқиб бажаражиган иш ва хизматлари сифатини тавсифлаши зарур.

## **3. Пудратчининг таклифини белгиланган шаклда тайёрлаш бўйича мажбуриятлари**

Ушбу техник шартларда келтирилган талабларга асосан, диққат билан тайёрланган хужжатлар, Пудратчининг таклифини холис ва ўз вақтида кўриб чиқилишининг асосий жиҳатидир. Тўлиқ бўлмаган ёки нотўғри маълумот баҳолаш жараёнига ҳалақит беради ва Пудратчининг танловда ютиш имкониятини камайтириши мумкин. Юқорида келтирилган талабларга берилган таклифнинг сифати Пудратчининг ушбу лойиҳани бажара олиш салоҳияти ва лойиҳага бўлган қизиқишининг кўрсаткичи сифатида қаралади.

Буюртмачи даъвогардан ушбу хужжатга жавоб сифатида олган маълумотлари учун ҳеч қандай тўловлар амалга ошириш мажбуриятини ўзига олмайди. Ушбу хужжат Буюртмачига Пудратчининг маълумотлар тайёрлаш бўйича ёки маълумотни етказиб бериш бўйича амалга оширилган харажатларини қоплаб бериш ёки шартнома тузиш мажбуриятини юкламайди.

Таклиф тегишли формаларни расмийлаштириш ва тасдиқлашдан ташқари, Пудратчи буюртмачининг барча талабларини тушунганлиги ва таклиф қилинаётган ечимлар, қўйилган барча талабларни бажариши ёки унданда ортиқроқ натижа келтириши ҳақидаги тасдиқни ўз ичигага олиши зарур. Шунингдек таклифда ҳар қандай тузатишлар, махсус шартлар ва ушбу хужжатларда келтирилган ҳар қандан техник, ташкилий ёки тижорат талабларидан ҳар қандай оғишлар аниқ кўрсатилган бўлиши зарур.

#### 4. Молиялаштириш манбалари ва тартиби

1. Хизмат кўрсатишни молиялаштириш "O`ZBEKEKSPERTIZA" АЖ нинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.
2. Хизмат кўрсатишни молиялаштириш тартиби Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги асосида ҳамда танлов асосида танлаб олинган, энг яхши таклифни жўнатган хизмат кўрсатувчи ташкилот билан тузилган шартнома шартлари асосида амалга оширилади.
3. Хизмат учун тўлов ҳақиқатда бажарилган ишларга мос равишда амалга оширилади.

**Ишлаб чиқди:**

\_\_\_\_\_  
(лавозими)

\_\_\_\_\_  
ФИО

\_\_\_\_\_  
(имзо)



## Лист согласования:

Заместитель  
Генерального директора



А. Григорьянц

Советник  
Генерального директора



Ш. Камалов

Начальник УКОСПФ



Ш. Усмонова

Главный бухгалтер



С. Слюнкова

Юрисконсульт



С. Мансурова

Начальник УД



Ж. Исломов